

ISSN 2010-5517

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



Yanvar – 2023

# Jahon ADABIYOTI

Adabiy-badiiy, ijtimoiy-publitsistik jurnal



**Жамоатчилик  
кенгаши:**

Сирожиддин САЙИД  
Асаджон ХУЖАЕВ  
Наим КАРИМОВ  
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ  
Иброҳим ҒАФУРОВ  
Эркин АЪЗАМ  
Хуршид ДУСТМУҲАММАД  
Шуҳрат РИЗАЕВ  
Минҳожиддин МИРЗО  
Баҳодир КАРИМОВ  
Ҳилола УМАРОВА  
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ  
Олимжон ДАВЛАТОВ  
Муҳиддин ОМОН

**МУАССИСЛАР:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТИ  
АДМИНИСТРАЦИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ АХБОРОТ  
ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР  
АГЕНТЛИГИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ  
ВА МАЪРИФАТ КЕНГАШИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

1997 йил июндан  
чиқа бошлаган

**Бош муҳаррир:**

Аҳмадjon  
МЕЛИБОЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Муҳиддин РАҲИМ  
Назира ЖУРАЕВА  
Орзикул ЭРГАШ  
Алимурад ТОЖИЕВ  
Алишер ОТАБОЕВ  
Даврон РАЖАБ  
Мафтуна  
МУҲАММАДАМИНОВА  
Севара АЛИЖОНОВА

**НАВОИЙ САБОҚЛАРИ**

Хусайн БОЙҚАРО. Рисолаи Хусайн Бойқаро. ....3

**АСР ҲИКОЯЛАРИ**

Стефан ЦВЕЙГ. Бир умрнинг заволи. Ҳикоя. *(Рус тилидан Низом Комил тарж.)*.....11

**НАСР**

Нодар ДУМБАДЗЕ. Кўркманг, онажон. Роман.  
*(Рус тилидан Иззат Аҳмедов тарж.)*.....30  
Эндрю КАРНЕГИ. Ҳаётим тарихи. Мемуар-қисса.  
*(Рус тилидан Абдумажид Азим тарж.)*.....83  
Тугалбой СИДИҚБЕКОВ. Кўк ялов. Роман.  
*(Қирғиз тилидан Улугбек Абдусаломов тарж.)*.....127  
Кучқор НОРҚОБИЛ. Ҳикоялар. ....190

**ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ**

Ибройим ЮСУПОВ. Шеърлар. *(Қорақалпоқ тилидан Тилак Жура тарж.)*.....25

**ДРАМА**

Оскар УАЙЛД. Саломея. Фожиа. *(Рус тилидан Мафтуна Муҳаммад Амин тарж.)*.....168

**МУҲАРРИР МИНБАРИ**

Аҳмад МЕЛИБОЕВ. Улуғ ўтмиш сабоқлари. ....116

**АДАБИЁТШУНОСЛИК. ФАЛСАФА**

Икболжон АДИЛОВА. Мутрибий тазкиралари ёхуд мумтоз поэтик қарашлар талқини. ....197

Журналининг русча ва инглизча мухтасар мазмуни. ....206

Ул поди  
қандай (эни  
қодирн ва б

“Жалл  
Ва ул пайғ  
бўлсинки  
ҳам унинг  
қидир.

“Сал  
тикнинг

1 Ҳаққ  
қамма бах  
2 Унга  
воги бўло

## МУТРИБИЙ ТАЗКИРАЛАРИ ЁХУД МУМТОЗ ПОЭТИК ҚАРАШЛАР ТАЛҚИИ

Шарқ мумтоз адабиётида тазкира жанри даврдан даврга ўтган сари ривожланиб, такомиллашиб борган. Жумладан, XV асрда тазкира Жомийнинг “Баҳористон” асари таркибида 1-боб, яъни 7-боб тарзида намоён бўлса, Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг “Тазкират уш-шуаро”сини тугал, махсус асар сифатида яратади. Уларнинг асарларидан илҳом олган Навоий эса “Мажолис ун-нафоис” асари билан мазкур жанрни янада баланд поғонага юксалтирди.

Бу тараккиёт XVI асрда Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаққир ахбоб”. Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарлари орқали энг юкори даражага кўтарилди. Мазкур муаллифларнинг тазкира жанри такомиллида алоҳида хизматлари бор. Улар салафлар анъаналарини давом эттириш билан бирга, уни янги-янги хусусиятлар билан бойитдилар. Жумладан, Нисорий асарида комусийлик табиатини кузатамиз. У фақат ижодкорлар ҳақида хабар бериш билан чекланмайди, балки адабиёт назарияси, жўрофия, мусиқа, илми ҳайъат (астрономия), тарих, тилшунослик, риёзиёт, ҳандаса, физика, зоология, табиатшунослик каби фанларга алоқадор кўплаб маълумотларни ҳам келтиради. Бу ранг-баранглик эса тазкирага комусий кўлам багишлайди.

Нисорийдан кейин ҳам бир қанча тазкиралар яратилди. Жумладан, Султонмуҳаммад Мутрибийнинг 1604–1605 йилларда тузилган “Тазкират уш-шуаро”сида XVI аср 2-ярмида Ўрта Осиё, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Туркия, Ироқ, Яман мамлакатларида яшаб ижод этган 343 та истеъдод соҳиби ҳақида маълумот берилган. Улар орасида шоир, мусиқачи, хаттот, мусаввир, наққошларни учратамиз. Адабий муҳитлар, улар ўртасидаги адабий таъсир ва алоқалар масалалари ёритилган. Тазкирадан Улуғбек мадрасаси деворига чизилган дунё харитаси, муҳандислик ихтиролари, айрим тарихий воқеалар ҳақида ҳам муҳим маълумотларга эга бўламиз.

Тазкирада муаллифнинг комусий билим қамровига эътибори яққол намоён бўлади. У бирор ижодкор фаолиятига баҳо берар экан, у билан боғлиқ кўплаб илмий-назарий, тарихий, манқабавий манбаълардаги далилларга мурожаат этади. Улар билан китобхонни таништиради. Биздан ўз мулоҳазаларини тўлдиришга хизмат қилган муҳим матн ва манбаълар билан танишишни тавсия ҳам этади. Ўқувчи эътиборига янгидан-янги асарларни ҳавола қилади.

Асарнинг дунёда ягона ҳисобланган, муаллиф қўли билан кўчирилган нусхасигина мавжуд. У Ўзбекистон ФА ШИ қўлёзмалар фондида 2253 рақами остида сақланади. Кейинчалик тазкира тожикистонлик олим А. Жонфидо томонидан, мазкур қўлёзмадан қайта кўчирилган нусха асосида, эронлик адабиётшунос А.Марвдаштий билан ҳамкорликда 1999 йилда чоп эттирилди. 2013 йилда таниқли шарқшунос Исмоил Бекжон мазкур тазкирани ўзбек тилига таржима қилиб чоп эттирди<sup>1</sup>.

“Тазкират уш-шуаро” ўзига хос таркибий тузилишга эга. У мумтоз анъанага кўра, ҳамд ва наът билан бошланади. Сўнгра муаллиф китобнинг ёзилишига сабаб бўлган ҳолатларга тўхталади. Ижодкор, шоирларнинг жамиятдаги ўрни, бебаҳо хизматларини эътироф этади. Ўзигача яратилган тазкиралар, уларнинг адабий жараёндаги ўрни ҳақида сўзлайди. Салафлари Давлатшоҳ Самарқандий, амир Алишер Навоий ва Мутрибийга бевосита устозлик қилган Ҳасанхожа Нисорийнинг тазкираларини алоҳида эътибор ва эҳтиром билан тилга олади. Айниқса, “Музаккири аҳбоб”га “олий баёнли китоб”, “китобларнинг энг сараси”, дея юксак таърифлар беради. Устозининг тадқиқ ва таҳлил услубининг мукамал ва теранлигини ҳақли тарзда, эҳтиром билан таъкидлайди. Шундан сўнг ўзи ҳам уларнинг эзгу ишларини давом эттириш мақсадида замондош шоир ва фозилларнинг мўътабар исмлари ва фаолиятларини “битик қайди”га киритганини хабар беради.

Тазкира жуда аниқ тартибга асосланган. Муаллиф асарнинг тузилиш таркиби ҳақида алоҳида маълумот беради. Асар муқаддима, тасмия<sup>2</sup> ва уч қисмдан таркиб топади. Асарнинг “Тасмия” қисмида 17 та ижодкор-султон фаолияти ёритилган. Кейинги алифбо ҳарфлари бўлимида, ижодкорлар исми шарифларининг бош ҳарфларига кўра жойлаштирилади. Ҳарфларнинг ҳар бири эса, муаллиф зикрича, уч нуктадан иборат.

Мутрибийнинг “Тазкират уш-шуаро”си ҳам қомусий характерга эга. Унда адибнинг алломалар фаолияти борасидаги маълумотлари билан бир қаторда, адабиёт назариясига тегишли ноёб хулосалари, илмий янгиликларини ҳам қузатамиз. Муаллиф асарининг ўзига хос хислатлари ҳақида сўзлар экан, шу давргача тазкиранавислар эътибор қаратмаган янги жиҳатларни таъкидлайди. Асарда келтирилган барча шеърӣ намуналарнинг вазнини ҳам аниқлаб, қўлёзма ҳошиясига ёзиб қўйганини, мавжуд усулларни эса янада такомиллаштирганини эътироф этади.

Биз мазкур тадқиқотимиз мақсади ва табиатидан келиб чиқиб, тазкирани тадқиқ этиш жараёнида ундаги илми балоға, адабиёт назариясига алоқадор маълумотларга алоҳида эътибор қаратиб, уларни қуйидагича таснифлаб ўрганишни маъқул кўрдик:

1. Шеър ва шоирлик ҳақида;
2. Аруз ҳақида;
3. Қофия ҳақида;
4. Бадий санъатлар ҳақида;
5. Мушкила санъатлар ҳақида;

<sup>1</sup> Бекжонов И. Мутрибий тазкиралари – муҳим адабий манба. Т.: Мумтоз сўз, 2009.

<sup>2</sup> Тасмия – исм кўрсаткичи.

6. Илми маоний ҳақида (муаллиф маънонинг очик-ойдинлигига ҳам маҳорат белгиси сифатида қарайди);

7. Жанрлар ҳақида;

8. XVI–XVII-асрлардаги (Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Шарқий Туркистон, Эрон, Туркия, Ироқ, Яман ўлкаларидаги) адабий жараён, адабий муҳит ҳақида.

Мутрибий кўп ўринда Ҳасанхожа Нисорий ишини давом эттирганини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, адабиёт назарияси, поэтикага оид маълумотларнинг берилиши нуқтаи назаридан ёндашсак, “Музаққири аҳбоб” тазкирасида ҳам XVI аср адабий жараёни, унинг такомил тарзи, жанрлар ривожини, бадиий санъаткорлик жилоларини кузатамиз. Жумладан, кексаликда вафот этиб, Бухорода дафн этилган шоирлар фаслида берилган Мавлоно Фонийнинг шеър фанида зукколиги, ўткир зеҳни, муаммо айтиш ва ечишда беназирлиги, “мушкила шеърлари” билан машҳурлиги, асарларида қўлланган сўзларнинг маънолари дуру жавоҳирларга бойлиги ҳақида эҳтиром билан сўзлайди ва бир нечта мисоллар келтиради. Жумладан, бир рубоийни келтиради. Унинг мустазод-рубойий шаклида яратилгани эътироф этилади. Шу маълумотнинг ўзи XVI асрга хос жанрий янгилигини кўрсатади. Аммо Нисорий Мавлоно Фоний маҳоратининг яна ўзга қирраларини ҳам ойдинлаштириб беради: “Агар охирги мустазодни биринчи мисра ва биринчи мустазодни иккинчи мисра билан иккинчи мустазодни учинчи мисра билан, учинчи мустазодни тўртинчи мисра билан бирлаштиради, яна бир мустазод-рубойий ҳосил бўлади. Сўз ва маънода ҳеч ўзгариш, нуксон бўлмади”:

*Дей дар дилам он бадчў меҳраш афзуд*

*Ори аз жон,*

*Сўн дилам он бадчў рухсора гушуд*

*Бешакку гумон.*

*Ғайри дилам он дилжў бо кас нанамуд*

*Он рух пинҳон,*

*Фоний охир аз ту дилро бирабуд*

*Бингар ба чи сон.*

2-рубойий:

*Бингар ба чи сон дей дар дилам он бадчў*

*меҳраш афзуд,*

*Ори аз жон сўн дилам он бадчў*

*рухсора гушуд.*

*Бешакку гумон ғайри дилам он дилжў*

*бо кас нанамуд,*

*Он рух пинҳон Фоний охир аз ту*

*дилро бирабуд.*

Рубоийдаги янгилик бу билан ҳам тугамайди. Муаллифнинг таъкидлашича, “Бу рубоийнинг ҳар мисрасидан муаммо йўли билан бир ном чиқади дейдилар”. Бундан илҳомланган муаллиф шу ўринда ўзининг

бир рубойни бўлакларга бўлиш ва бириктириш оркали 20 хил шаклга келтирганини сўзлайди: “Факир қуйидаги рубойни таҳлил ва таркибга муштамал қилганман. Деярли 20 хил таркиб қилса бўлади”.

Мазкур фаслда берилган Мавлоно Шавкийнинг икки баҳрда ёзилган мувашшаҳ-мустазоди ҳам эътиборни тортади. Муаллиф айтишича, “Мувашшаҳнинг ҳар бир байтидан таъмия йўли билан бир исм чиқади. Агар мустазод қилиб ўқилса, бир баҳр, агар мустазодсиз қаралса, бошқа баҳр бўлади”.

Мутрибийнинг ҳам мумтоз жанрлар тавсифи, такомили ва амалиётида улкан хизматлари бор. Жумладан, Ҳожи тахаллуси билан ижод қилган Ҳожи Оталик Дўрмонга эҳтироми сифатида унга бағишлаб, бир ғазали зубахрайн маъ мустазоди мувашшаҳи маснуй асар ёзганини эслайди (268-269-б.): “...бу ғазални мустазод билан бирга ўқилса, ҳазажи мусаммани солим баҳрида бўлади. Ажратилганда эса, ҳазажи мусаддаси маҳзуф баҳри чиқади. Шунингдек, бу ғазал 15 мувашшаҳни ўз ичига олади”. Ҳарфларнинг қизил, яшил, сарик ранглар билан фаркланиши, жойлашиш тартиби, ўрни, айрим келтирилган ишоралар воситасида 15 мувашшаҳнинг топилиш усуллари билан таништиради. Ундан ташқари, мувашшаҳлар “...ғазалнинг бошидан охиригача тартиб билан бирга ўқилса, бир байт ҳосил бўлади ва бу байт маклуби муставий санъати билан безанган”:

Тазкирада XVI аср адабий жараёнида янги номли жанрлар ҳақидаги маълумотларга ҳам дуч келдик. Жумладан, Маҳрумий Бухорий ижоди ҳақида сўзлаб, унинг “малоҳатли шеърлари борлиги, ғазални жуда бир ажиб тарзда яхши битишини, шириндан-ширин мазҳакалар айтиб, одамларни роса қулдириши”ни эслайди ҳамда бир нечта ғазал ва мазҳака жанридаги асарларидан намуналар келтиради. Мазҳака сўзи “қулдирувчи, қулдирадиган” луғавий маъноларига эга. Шундан ва тазкирада берилган намуналардан келиб чиқиб, бу латифа жанрига яқин асарлар эканлигини айтиш мумкин. Муаллиф шу ўринда Жомийнинг “Баҳористон” асарида келтирилган “Шоир Баҳлул” ҳақидаги бир мазҳакани ҳам сўзлаб беради. Аммо Жомий асарида мазкур жанрни мутойиба номи билан атайди. Демак, латифа XV асрда мутойиба, XVI асрда эса мазҳака атамаси билан ҳам аталгани маълум бўлади<sup>1</sup>. Муаллиф тазкирада Маҳрумий томонидан айtilган 5 та мазҳакани келтиради.

Тазкира муаллифи Мушкулий Самарқандий ҳақида ёзар экан, “илмий китобларга ёзилган “Ҳошия” асарларни махсус ўқиб ўрганган. Фаҳми ўтқир ва таъби соғлом. Шеърни ҳам яхши битган”, дея баҳо беради. Шу ўринда Ҳошия атамасига эътиборингизни тортаман. Биз ҳошия деганда, асосан, қўлёмалар чеккасини ва унга ёзиладиган матнларни тушунамиз. “Навоий асарлари луғати”да “Ҳошия-бирор нарсанинг чети, атроф айланаси, китоб четларидаги изоҳ – шарҳ”, дея изоҳланади. “Ғиёс ул-луғат”да “Ҳошия – шутурони жавон; ба маънии канора; шарҳи шарҳро

<sup>1</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Форс тилидан таржима. кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжонов. Т.: Мумтоз сўз, 2013.

гўянд” (“Ғиёс ул-луғот”. Жилди 1, Душанбе, Нашриёти “Адиб”, 1987, с. 268), деб шархланади. Кўринадики, хошия сўзининг маъноларидан бири “шархнинг шархи” демак экан. Шундан келиб чиқиб, “Ҳошия”ни махсус шакл (жанр) сифатида ҳам англашимиз мумкин. Шу маънода тазкира адабий жараёндаги яна бир жанр моҳиятига ойдинлик киритиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Шоир Шокирий ҳақида сўзлаб, “Яхши тасниф ва таълифлари бор. Шунлардан биттаси ҳазрат ҳақойиқпаноҳий, хўжаста фаржомий Абдурахмон Жомийнинг “Фавоиди Зиёйия” китобига ёзилган Ҳошиядир. Бу Ҳошия жуда кўнгилга ёкар ва дилни тортар чиқиб, илм аҳли фойдаланиши учун ажойиб кўлланмадир”<sup>1</sup>, дея баҳо беради. Бу ҳолат давр адабиётида Ҳошия, яъни шархлар ёзиш ҳам фаоллашганини кўрсатади.

Кошонлик Ҳаким – Рукно ҳақида сўзлар экан, унинг тимсолида шоирларга маҳорат бобида сабоқ ҳам беради: “Сўзларни санъаткорона ишлатиши баробарида бирон ҳикмат-нуктани ҳам унутиб қолдирмасди. Ва ажабким, маонийда муболағани кўпайтирса ҳам эътидол (меъёр) доирасидан ташқари чикмаган”<sup>2</sup>. Демак, бу ўринда муаллиф бадиий матн поэтикасини таъминловчи унсур сифатида шакл ва маъно уйғунлиги ҳамда реалистик ва романтик ифода усулларининг меъёрий мутаносиблиги масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Маълумки, бу икки жиҳат асарнинг ҳаётийлиги ва бадиийлигини таъминловчи муҳим хусусиятдир.

Асарда адабиётдаги рамзларга бой, тадқиқ этиш мураккаб бўлган тасаввуф ҳақида, мутасаввуфларнинг дунёкарашини англаш, асарлари, фаолиятлари замиридаги теран маъно сарҳадларини тушуниш борасида ҳам муаллиф ноёб истеъдодга эгаллигини намоён эта олади. Бу масаланинг ўзи махсус тадқиқотни такозо этади. Муаллиф мазкур ўринда Ҳазрати Алининг Ҳақ йўлига кирган тарикат аҳли ва авлиёлар ҳақида бир мулоҳазасини келтиради. Бу хулоса авлиёликка муносабатни англаш йўлида маълум дастур вазифасини бажариши билан муҳим. “Улар сон жиҳатдан оздирлар. Аммо кадр жиҳатидан Аллоҳ наздида улуғдирлар. Ва улар Аллоҳнинг ердаги ўринбосарларидир. Улар шундай бир жамоатдирларким, дунё тузогига илинмайдилар ва охират домига бош индирмайдилар. На дунё матоҳидан либос киядилар ва на охиратнинг қувонч қадахини сипқорадилар”. Муаллиф шу ўринда ҳазрати пайғамбаримизнинг ҳам бир мулоҳазаларини келтирадики, у авлиёлик моҳиятини биз учун янада ойдинлаштиришга хизмат қилади: “Дунё охират аҳлига ҳаромдир, охират эса дунё аҳлига ҳаромдир. Аллоҳ аҳлига уларнинг ҳар иккаласи ҳам ҳаромдир”<sup>3</sup>. Муаллиф ана шу улуғлар карашларига таянади. Уларнинг фикрларини ўз хулосалари билан янада ривожлантиради ва солиқлар учун дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам ҳеч қандай аҳамияти йўқлиги, улар ҳаётнинг моҳиятини илоҳийликда деб тушунишларига ишора этади.

Илоҳий файзга эса факатгина ишқ воситасидагина етиш мумкин. Тасаввуфнинг бу каби назарий карашларидан муаллиф яхши хабар-

<sup>1</sup> Уша асар

<sup>2</sup> Уша асар

<sup>3</sup> Уша асар.



дорлигини тазкирада кузатамиз. Жумладан, Унсий Ўратепагий хақида сўзлаётиб, унинг фаолиятига боғлиқ равишда ишқ масаласига тўхталади: “Билгилки, ишқ таъриф ва тавсифга муҳтож эмас ва унинг васфида сўз ожизлик қилади... Буюклар ишқнинг икки қисмга бўлинишини айтганлар: Биринчи қисм ишқ руҳга тегишли бўлиб, рухий камолотнинг шавқи саналади ва у яратилмишнинг кўрсатиш ойнасида Яратувчининг аломатини мушоҳада қилади. Демак, ишқи Ҳақикий деганлари ана шу қисмдан иборатдир. Иккинчи қисм ишқдан эса руҳга ҳеч қандай фойда йўқ...”<sup>1</sup>

Тазкирадан асарларни таҳрирлаш, қайта ишлаш билан боғлиқ жараёнлар хақида ҳам тасаввур ҳосил қиламиз: “Фақир бир куни мазкур матлани атоқли мажлисда ўқиб бердим. Шунда Ҳожибий Оталиқ агар бу матлада “захм” сўзи ўрнида “тиғ” (қилич) сўзи келганда, маъно яна ҳам аниқроқ ва тиниқроқ бўлармиди”, деб қолди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шунақа бўлганда тузукроқ чиқарди:

*Нест дандон он ки аз захми (тиғи) забонаш хун шуда,  
Донаи норе аст аз акси лабаш гулгун шуда.*

*(Ёр тили озоридан (қиличидан) қон бўлган тиш эрмас у билсанг, Анор донасидирким, лаби аксидин топган қизил ранг)<sup>2</sup>.*

Ҳақиқатан ҳам, муаллиф тан олганидек, бу ўринда тиғ сўзини қўллаш жуда мутаносиб, чунки қон ва қизиллик хақида сўзланмоқда. У эса қиличнинг ишидир. Тил озоридан эмас. Балки тил қиличидан ошиқ оғзи қон бўлиши мумкин. Сўзнинг алмаштирилиши билан шоир айтмоқчи бўлган тил захрининг қилмиши, оқибати янада аниқроқ англашилади. Демак, бир сўзнинг алмаштирилиши билан тасвирдаги аниқлик ва ҳаётийликка эришилганлигини кўраемиз.

Бундай тасвир мумтоз адабиётда фаол қўлланадиган анъанавийлик касб этган хусусиятдир. Жумладан, Ҳамзанинг “Ўзбек хотин-қизларига” шеърда ҳам шундай тасвирни кузатамиз:

*...Мактаб, анжуман боргил, унда фикр очиб гоҳи  
Илму фан тиғи бирлан жаҳл бағрини қон қил<sup>3</sup>.*

Бу ерда ҳам шоир “жаҳл бағрини қон қил” ифодасини бериш учун илм-фанга нисбатан “тиғ” сўзини қўлламоқда.

Демак, кўринадики, тазкирада аждодларимизнинг матн устида ишлаш, таҳрир этиш жараёнлари хақида ҳам маълумотга эга бўламиз.

Тазкира муаллифи Шарқ мумтоз адабиётида қўлланувчи бадий санъатларни изоҳлашда маълум бир тамойилга амал қилади. У кам қўлланилган ва мушкила санъатлар учраганда батафсил тўхталиб, тўлиқ маълумот беради. Аммо анъанавий ёки фаол санъатларга махсус таъриф бериб ўтирмайди.

<sup>1</sup> Ўша асар.

<sup>2</sup> Ўша асар.

<sup>3</sup> Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий. Тула асарлар тўплами. 5 томлик. 2-том. Т.: Фан, 1988.

Уратепагий хақида саласига тўхталади: унинг васфида сўзлинишини айтган-амолотнинг шавқи атувчининг аломари ана шу қисмдан фойда йўк...”<sup>1</sup>

билан боғлиқ жабир куни мазкур ий Оталик агар бу да, маъно яна ҳам катан ҳам шунака

н шуда,

с у билсанг, Анор

ғ сўзини қўллаш анмоқда. У эса идан ошиқ оғзи шоир айтмоқчи оқ англашила-аги аниқлик ва

анъанавийлик гин-қизларига”

и бериш учун

н устида иш-ўламиз.

увчи бадийи ади. У кам талиб, тўлиқ ахсус таъриф

Мутрибий шоирларнинг асарларида учрайдиган нуксон ва камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, Аминий Хиёбоний хақида маълумот берар экан. унинг “истеъдоди зўр шоир бўлиб, матбуъ ашъор битиш билан машхур” эканлигини таъкидлайди. Абдуллоҳхон Хоразмни фатх этиши муносабати билан ёзган бир қасидасини келтириб, унда ижодкор мумтоз адабиётда катта айб саналган қофия такрорига йўл қўйганлигини баён этади.

Мавлоно Бокий Бухорийнинг ҳам “нодир сўзлар топиш бобида даҳраро ягона ва шаҳар ичра танҳолигини, дур тўқувчи ашъори одамлар орасида машхур” лигини таъкидлаш билан бирга, ғазалидаги айрим нуксонларга ҳам тўхталади. “Махфий колмасинким, маъруф (аник) ва мажхул (ноаник) қофия ўртасини жамлаш бу фанда тақиқланган ишлардан саналади. Аммо агар нозим ўз назмида бунга бирор ишора қилса, рухсатлидир”<sup>1</sup>.

Муаллиф Бокий хақида маълумот бериш асносида, унинг фаолияти билан боғлиқ равишда, у яратган рисолалар, улардаги адабиёт назариясига тегишли муҳим янгиликлар билан ҳам ўқувчиларни таништиради. Жумладан, унинг Абдурахмон Жомийнинг “Юсуф ва Зулайхо” достонидаги тушунилиши кийин сўзлар бўйича бир рисола ёзгани, шу рисолада яна қофиянинг маъруф ва мажхул, ийтои жалий ва хафий сингари ҳамда шеър санъатидаги тарсеъ, тажнис, сажъи мутавозий, ийҳом, ташбех каби соҳалари хақида ҳам сўз юритганини таъкидлайди. Муаллиф мазкур китобга юкори баҳо беради: “Бу китоби жуда беназир суратда юзага чиққан. Асар бу фақирнинг ҳам назарига тушди ва уни ўқиб, кўп фойда олдим. Охунд шеър фанида ўта билимли ҳисобланадилар ва бу борада таърифга мухтож эмаслар”<sup>2</sup>.

Маълумки, мумтоз рисолаларда шеърят учун лафз, вазн, қофия ва маъно муҳим ҳисобланганлиги таъкидланади. Биз манбаларга баҳо берганимизда, кўпинча, вазн, қофия ва бадий санъатлар нуктаи назаридан ёндашамиз. Аммо мумтоз олимларимиз назмда маъно поэтикасига ҳам алоҳида эътибор қаратишганини кузатамиз. Жумладан, тазкира муаллифи ўз даврида катта ҳурматга сазовор, “...шеърятда мавзун бир шоир бўлиб, шеърлари яширин дуру гавҳар кабидир”, дея айтилган Анисий Ирокийнинг айрим шеърларидаги маъно билан боғлиқ ноқисликлар хақида ҳам эслаб ўтишни жонз кўради. Муаллиф мазкур ўринда маънога тегишли икки хил хатоликка тўхтаб ўтади: “Аммо айрим абёти маънода муболага кўплиги, яъни табъийликдан кўра хаёлот оламига берилиб ёзилиш натижасида мувозанат доирасидан ташқари чиққан. Айрим фозиллар бунга маъно хатолиги сифатида баҳолайдилар. Яширин қолмасинким, маъно хатолиги икки хилдир: Ғалат, яъни хато ва ҳаддан ортиқ бўрттириш. Хато шулки, шоир байт мазмунига аслида маъно жиҳатдан хато бўлган бир маънони юклайди. Ҳаддан зиёд бўрттириш дегани, шоирнинг мадх турини нарсалар васфининг ифрок холатига, яъни ҳақиқатдан ниҳоятда

<sup>1</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Исмомил Бекмуродов. Т. Мумтоз сўз. 2013.

<sup>2</sup> Уша асар

йироқ даражасига етказиш ва муболагани шаръий тақикка олиб келувчи чегарагача кўтаришидир”<sup>1</sup>.

Муаллиф маъно билан боғлиқ хатолик, нуксон сифатида баҳолаган ҳолатларга биз мумтоз адабиётнинг турли даврларида дуч келамиз. Жумладан, Лутфийнинг “Устина” радифли шеъридаги худди шундай хатолик ҳақида Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида ҳам маълумот беради: “Нечунким, Мавлоно юзни жаннатга ташбиҳ қилибдур ва ани тўби устига эътибор қилибдур ва бу бағоят йироқтур. Бовужуд бу икки мисраи бир-бирига марбут эмас”:

*Эй, қадинг тўбийи жаннат хадди гулгун устина,  
Кўрмади даврон сенигдек ой гардун устина*<sup>2</sup>.

Мутрибий шеър ва шоирликка талабчанлик билан ёндашади ва устози Нисорийнинг қуйидаги фикрини келтиради: “Шоир битта шеър яратиш учун бўлса ҳам жуда кўп нарсани билмоғи керак”<sup>3</sup>.

Тазкирада XVI аср адабий жараёнида ижодкорларнинг бадиий санъаткорликнинг турли қирраларини намоён этишга ҳаракат қилишганлигини кўрамыз. Бошқа бирор даврда бадиий ижодга бу қадар санъаткорона ёндашувга дуч келмаймиз. Жумладан, сўзларнинг ана шундай моҳирона қўлланишини Санойй Машҳадий ижодий камолотида кузатамыз. Муаллифнинг айтишича, “Корнома” отлиғ қасида битиб, Мовароуннаҳрга юборган экан. Ундаги байтларда сўз ўйини билан бирдан юзгача сонлар тартиб билан кўрсатилган бўлиб, мовароуннаҳрлик шоирлардан шунга жавоб айтишларини сўраган.

*Яке назар чу фиканди аз он ду наргисе шахло,  
Шудааст чорагари ман зи қайди панжаи савдо*<sup>4</sup>.

Муаллиф мазкур қасидага Нисорий жавоб ёзиб, 100 гача сонларни ундан ҳам кам байтларга сиғдириб, янада кўпроқ маъно ифодалаганларини, Мутрибийнинг ўзи эса 1-байтда 6 гача бўлган сонни сиғдиргани ҳақида маълумот беради.

Кўринадики, бу ҳолат адабий жараёнда ижодкорлар учун истеъдодларини тобловчи адабий мусобақа, ижодий мактаб вазифасини бажарган.

Мутрибий ўз асарини тарихий воқеалар, шеъринг намуналар тақдимида ташкари, кичик ва кизикарли ҳикоятлар билан ҳам безайди. Бу қўйилган муаммони ёки ижодкор фаолиятини ёритишда муҳим аҳамият касб этади Асарда 20 га яқин ҳикоялар берилган. Жумладан, Абдуллоҳон II, Нуҳ алайҳиссалом ҳақидаги ҳикоялар ана шундай нодир адабий намуналардандир.

<sup>1</sup> Уша асар.

<sup>2</sup> Лутфий. Девон. Т.: Бадиий адабиёт, 1965, 233-б.

<sup>3</sup> Мутрибий Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Форс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжонов. Т.: Мумтоз сўз, 2013.

<sup>4</sup> Уша асар.

XVI аср тазкиранавислиги. хусусан, Мутрибий асарини кузатиб, шундай хулосага келиш мумкин:

1. Бу даврда яратилган тазкираларда Давлатшоҳ Самарқандий, Навоий анъаналари давом эттирилган.

2. Тазкиранавислик такомиллаштирилган. Турли янгиликлар киритилиб, жанр илмий кимматини янада оширишга эришилган. Бу борада, айниқса, Ҳасанхожа Нисорий ва Мутрибийнинг фаолияти муҳим.

3. Тазкиралардаги маълумотлар бошқа манбаларда учрамаслиги, давр маданий ҳаёти, адабий муҳити ҳақида яхлит ва янги тасаввур уйғотиши билан ҳам кимматлидир.

4. Айрим тазкираларда комусий илмий қамров кўзга ташланади. Адабиёт назарияси ва тарихини ёритувчи, бойитувчи муҳим маълумотлар кўплиги билан ҳам ноёб ва кимматлидир.

5. Тазкиралар фақат ижодкорлар фаолиятини зикр этувчи, ёритувчи манба бўлибгина қолмай, адабий жараён, адабиёт назарияси, давр поэтик қарашлари тарихи борасида муҳим илмий хулосалар чиқаришга асос берувчи мўътабар обидалардир.

*Иқболлой АДIZОВА,  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
ўзбек тили ва адабиёти университети  
профессори, филология фанлари доктори*

